

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ҚОРАБАЕВ ШЕРЗОД АҲМАДЖАНОВИЧ

**РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ИП БЎЙЛАБ
БУРАМЛАР ТАҚСИМЛАНИШИНИНГ ТАЪСИРИ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга дастлабки ишлов
бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
technical sciences**

Қорабаев Шерзод Аҳмаджанович

Рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга ип бўйлаб бурамлар
тақсимланишининг таъсири 3

Қорабаев Шерзод Аҳмаджанович

Распределение крутки вдоль пряжи и его влияние на производство
конкурентоспособной продукции 19

Karabayev Sherzod

Distribution of twist down the yarn and its impact on the production of
competitive products 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 41

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ҚОРАБАЕВ ШЕРЗОД АҲМАДЖАНОВИЧ

**РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ИП БЎЙЛАБ
БУРАМЛАР ТАҚСИМЛАНИШИНИНГ ТАЪСИРИ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга дастлабки ишлов
бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/T784 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.namti.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Матисмаилов Сайпила Лолашбаевич**
техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар: **Жуманиязов Қадам Жуманиязович**
техника фанлари доктори, профессор

Юлдашев Жамшид Қамбаралиевич
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Фарғона политехника институти**

Диссертация химояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.T.66.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “15” февраль соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой-7. Тел.: (+99869) 228-76-68, 225-10-07, факс: (+99869)228-76-75, e-mail: niei_info@edu.uz, Наманган муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, 1-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (358-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой-7. Тел.: (+99869) 228-76-68.)

Диссертация автореферати 2020 йил “31” январь куни тарқатилди.
(2020 йил “31” январьдаги 10-рақамли реестр баённомаси).

Р.М. Мурадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор

О.Ш.Саримсақов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, техника фанлари доктори, профессор

Қ.М.Холиқов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги
Илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 4 та пахта етиштирувчи Африка мамлакатлари мурожаатига жавобан 7- октябрни Бутунжаҳон Пахта куни, деб эълон қилди. Шу муносабат билан жорий йил шу куни Женева шаҳрида ўтказилган форумда «пахта - инсоният учун аҳамияти юқори бўлган Глобал товар»¹ сифатида эътироф этилди. Жаҳон текстиль маҳсулоти бозорларидаги рақобатнинг кучайиши, пахта етиштирувчи мамлакатларда ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантириш ҳисобига маҳсулот истеъмол хусусиятларини янада яхшилаш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш эвазига унинг улгуржи нархларни камайтириш масалаларининг долзарблигини янада ошириш. Шунга кўра дунё бозорида пахта толасидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш мақсадида пахта толаси маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида, шунингдек йиғириш жараёнларида маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини камайтирувчи автоматлашган, ресурстежамкор технологияларни яратиш муҳим вазифалардан бўлиб қолмоқда.

Жаҳон амалиётида тўқимачилик хомашёсини дастлабки ишлаш, толани тозалаш, тараш, пилта тайёрлаш, ундан калава ва йиғирилган ип ишлаб чиқариш, ярим тайёр ва тайёр тўқима ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, технологик жараёнларга ижобий таъсир этадиган меъёрий параметрларни аниқлаш ва жорий этиш, йиғиришнинг янги, ресурс ва энергия тежовчи техника ва технологияларини яратиш алоҳида аҳамият касб этиб бормоқда. Бу борада тўқимачилик саноати йиғирилган ипларининг сифат кўрсаткичларини тубдан ўзгартириш, рақобатбардош кўрсаткичларга эга бўлган ип ишлаб чиқариш каби йўналишларда мақсадли илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда республикамизда тўқимачилик, тикув-трикотаж, енгил саноат тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларнинг турлари ва ассортиментини кенгайтириш, шунингдек, тармоқ корхоналарининг инвестиция ва экспорт фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Соҳада пахта-тўқимачилик кластерларини ташкил қилиш, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг пахта толаси, йиғирилган ип ва калава, тўқув-трикотаж маҳсулотлари ва тайёр тикув буюмларигача бўлган босқичларини ўз ичига олган ишлаб чиқариш комплексларини яратиш ва ривожлантириш, кенг ассортиментдаги, юқори сифатли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш тадбирлари кўрилмоқда. Бу борада, юқори сифатли, рақобатбардош калава-

¹International cotton advisory committee. Washington, From the Secretariat of the ICAC. <https://icac.org/>, email secretariat@icac.org. October 7, 2019.

ип маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ип узунлиги бўйича нотекисликни камайтириш, унинг пишиқлигини ошириш ва ташқи кўринишини яхшилаш масалаларининг замонавий ечимларини аниқлаш ва ишлаб чиқаришга жорий қилишга қаратилган ушбу илмий изланишлар мавзуси долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон «Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур илмий тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик, транспорт, машина ва асбобсозлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Йигириш корхоналарида пневмомеханик йигириш машиналарининг иш унумини ошириш, технологик кўрсаткичларини оптималлаш, конструкцияларининг янгиларини яратиш ва мавжудларини такомиллаштириш бўйича хорижда Bin Gang Xu, Xiao Ming Tao, A.Varilla, J.Vigo, E.Kirscher, H.Kubica, P.B.Киселев, М.М.Асташев, Л.Л.Нагаева, Л.К.Замаховский, Г.В.Башкова ва бошқа олимлар изланишлар олиб борган.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда пахта ва бошқа толалардан иплар ишлаб чиқариш технологик жараёнларини такомиллаштириш, параметрларини меъёрлаштириш, структураси, эксплуатацион хусусиятлари ва ташқи кўринишини яхшилашга боғлиқ масалалар бир қатор ўзбек олимлари: М.Хожинова, Р.Бурнашев, Б.М.Мардонов, А.Д.Джураев, Қ.Ж.Жуманиязов, Ж.Қ.Ғофуров, Қ.Ғ.Ғофуров, Х.У.Мелибаев, Б.Мирзабаев, И.Р.Азизов, Х.Парпиев, С.Л.Матисмаилов, Ж.Қ.Юлдашев, З.Э.Эркиновлар томонидан ҳал этилган ва бу ишлар давом эттирилмоқда.

Пневмомеханик йигириш машинасида ипнинг сифатини ошириш ва ўрганиш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган бўлишига қарамасдан йигириш камерасида шаклланаётган ипга берилаётган бурамларнинг тақсимланиши ва буни таъминловчи асосий қурилмалардан бири бурам интенсификатори мукамал ўрганилмаган. Мосламани ўзгартириш орқали ипнинг бурам бўйича нотекислигини камайтириш, жаҳон андозаларига мос келувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш мазкур диссертация олдига қўйилган масалалардан бири ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасига кўра, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институтида ИОТ-2016-2-26 «Разработка и внедрение ресурсосберегающей конструкции зоны дискретизации пневмопрядильной машины» (2016-2018) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади пневмомеханик йиғириш машинаси ипида бурамларнинг бир текис тақсимланишини таъминлаш асосида маҳсулот рақобатбардошлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пневмомеханик ип йиғириш технологияси ва конструктив элементларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотларни таҳлил қилиш;

пневмомеханик ип йиғириш усулида ипнинг физик - механик кўрсаткичларига таъсир этувчи омиллар таҳлили орқали машинанинг ассортимент ва технологик имкониятларини аниқлаш;

пневмомеханик ип сифатини яхшилаш мақсадида, технологик жараёни барқарорлаштириш усуллари ва қурилмалари таҳлили асосида, ипга берилаётган бурамларнинг бир текис тақсимланишига эришиш;

пневмомеханик ип йиғириш машинасининг конструктив элементлари параметрларини назарий ҳисоблаш асосларини таҳлил этиш орқали янги конструкциядаги бурам интенсификаторида ипнинг ҳаракат қонуниятини аниқлаш;

пневмомеханик йиғириш машинаси учун такомиллаштирилган бурам сақлагични ип сифат кўрсаткичларига таъсирини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида пахта толали якка иплар, пневмомеханик йиғириш машинасидаги бурам зичлагич ва тақсимлагичлар конструкциялари, йиғирув мосламасида ип тортиш трубкаси олинган.

Тадқиқотнинг предмети пневмомеханик йиғириш машинасида ипнинг шаклланиши, янги такомиллаштирилган бурам сақлагичнинг ишлаши, ипда бурамларни бир текисда тақсимланиши жараёнлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Иш назарий ва амалий тадқиқотлардан ташкил топган. Тадқиқотларда тўқимачилик материалларини синаш, назарий ва амалий механика, математик статистика ва ҳисоблаш математикаси усулларида, компьютер дастурий таъминотидан фойдаланилган, ҳамда иплар сифатини баҳолашнинг замонавий ўлчов асбоблари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ип шаклланиши жараёнида унинг узунлиги бўйича бурамлар текис тақсимланишининг таъминланишини ҳисобга олган ҳолда пневмомеханик йиғириш машинаси учун янги бурам сақлагич мосламаси конструкцияси ишлаб чиқилган;

бурам сақлагич билан ип йиғириш жараёнида бирлик узунликдаги бурамлар сони, ипнинг чиқиш қиялиги бурчагининг ўзаро боғланишини ҳисобга олган ҳолда ип таранглигини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

пневмомеханик йигириш машинаси сепараторининг воронкаси сирти бўйлаб ипнинг ҳаракат траекториясидан келиб чиқиб, бурам сақлагичнинг ўйиқли ва текис юзали профили ишлаб чиқилган;

йигириш жараёнини ип бурамини бир текисда тақсимловчи бурам сақлагич мосламасидаги ипнинг ҳаракат йўналишини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш усули ишлаб чиқилган;

кўп омилли эксперимент натижаларидан келиб чиқиб, пневмомеханик йигириш машиналарида дискрет барабанча ва камера тезликларининг ипдаги бурамлар текис тақсимланишини таъминловчи рационал қийматлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

пневмомеханик усулда йигирилган ип қўлланилиш соҳаларини ва ипга қўйилган талаблардан келиб чиқиб, уларнинг сифатини ошириш мақсадида янги такомиллаштирилган бурам сақлагич яратилган;

янги қурилмани ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида ипда бурмалар бир текис тақсимланишига ва бу орқали пневмомеханик йигириш машинасининг унумдорлигини оширишга эришилган;

пневмомеханик ип сифатига таъсир этувчи омилларни бошқариш, жараёнларни барқарорлаштириш ва қурилмаларни ростлаш нафақат йигириш жараёнига, балки кейинги технологик жараёнларига ҳам таъсир кўрсатиши тажрибалар натижасида асосланган;

янги такомиллаштирилган бурам сақлагичда бурамларни бир текисда тақсимланиши учун ипнинг ҳаракати назарий жиҳатдан тадқиқ этилган ҳамда олиб борилган тажрибалар натижаларида ўз исботини топган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги пневмомеханик усулда ипларни йигириш техника ва технологиясининг математик моделлари қурилганлигига, улар ўрганилаётган соҳада маълум бўлган баҳолаш мезонлари бўйича ҳисоблаш тажрибалари таҳлили ва моделлаштириш натижаларининг тажрибавий маълумотлар билан таққослашга асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пневмомеханик йигириш машинасида ишлаб чиқариладиган ипда бурамни бир текисда тақсимловчи янги конструкцияда ипнинг ҳаракат қонуниятини аниқланганлиги; бурам тақсимлагич мосламаси такомиллаштирилганлиги ва уни ҳисоблашнинг назарий асослари яратилганлиги; йигириш машинаси сепараторининг воронкаси сиртида ипнинг ҳаракати математик модели тузилганлиги; такомиллаштирилган бурам сақлагичнинг математик моделларидан ва тажрибавий тадқиқотлардан фойдаланган ҳолда унинг асосий технологик ҳамда кинематик кўрсаткичларини муқобиллаш катталиклари аниқлангангани билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти мавжуд пневмомеханик йигириш машиналарининг ассортимент ва технологик имкониятларини тадқиқ этиб, уларнинг камчиликлари асосида янги қурилма яратилганлиги, янги қурилмани ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида ипда бурмалар бир текис тақсимланишига ва бу орқали пневмомеханик йигириш машинасининг

узилишлар сонини камайишига, унумдорлигини оширишга эришилганлиги; янги такомиллаштирилган бурам сақлагичда бурамларни бир текисда тақсимланиши учун ипнинг ҳаракати назарий жиҳатдан тадқиқ этилган ҳамда бу тажрибалар натижаларида ўз исботини топганлиги асос бўлди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Рақобатбардош ип ишлаб чиқариш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

пневмомеханик йиғириш машинаси учун янги бурам сақлагич мосламаси конструкцияси «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига қарашли Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги «FT TEXTILE GROUP» МЧЖ тўқимачилик корхонасида жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2019 йил 11 декабрдаги №04/18-5001-сонли маълумотномаси). Натижада ипнинг нотекислигини камайитириш ҳисобига унинг нисбий узиш кучи 9% га ошган;

ўйиқли ва текис юзали профилли бурам сақлагич ва дискрет барабанча ҳамда камера тезликларининг рационал қийматлари «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига қарашли Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги «FT TEXTILE GROUP» МЧЖ тўқимачилик корхонасида жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2019 йил 11 декабрдаги №04/18-5001-сонли маълумотномаси). Натижада ипнинг нисбий узилиш кучи бўйича вариация коэффиценти 16% гача ҳамда бурамлар сони бўйича вариация коэффиценти 20% гача камайгани ҳисобига маҳсулот сифати ва рақобатбардошлиги ошишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 10 илмий-техник конференцияларда, шу жумладан, 3 та халқаро, 5 та Республика конференцияларида ва 2 та илмий семинарларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та, шу жумладан хорижда 2 та мақола чоп этилган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг патенти олиш учун 2 та талабнома топширилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий

қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Пневмомеханик ип йигиришнинг техника ва технологияларини ҳолати ва тадқиқотнинг мақсадларини белгилаш**» деб номланган биринчи бобида пневмомеханик усулда йигирилган ипнинг хусусиятлари, пневмомеханик ип йигиришнинг технологияси ва конструктив элементларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар, ипнинг физик ва механик кўрсаткичларга таъсир этувчи омиллари, пневмомеханик ип сифатини яхшилаш мақсадида технологик жараёни барқарорлаштириш усуллари ва қурилмалари, зичлагичлар ва бурам сақлагичлар конструкцияси ҳамда уларнинг ишлаш тартибларини таҳлиллари асосида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган.


Диссертациянинг «**Пневмомеханик ип йигириш машинасининг конструктив элементлари параметрларини назарий ҳисоблаш асослари**» деб номланган иккинчи бобига кўра, йигириш қурилмасидаги ипни тортувчи трубканинг конструкциясининг камчилиги мосламанинг қия рифляли юзаси билан туташишида қисман тормозланиши, шунингдек ипни кўндаланг йўналишда бир томонлама силжиши натижасида ипни кўшимча узайиши ва унинг буралиши пасайиши ҳисобланиши айtilган. Ушбу мослама ва қурилмалар таҳлили асосида янги конструкциядаги ип ўтказиш мосламаси яратилган. Янги конструкциянинг вазифаси ипнинг мустаҳкамлик характеристикасини ошириш ҳисобланади. Қўйилган вазифа йигирув қурилмасида ипни тортувчи трубканинг конструкциясини такомиллаштириш, яъни ишқаланишига қаршиликни камайтириш ва рифли юзасини қўзғалувчан қилиш орқали эришилган.

Конструкциянинг моҳияти шундаки, йигирув қурилмаси ипни тортувчи трубканинг иккита секцияли трубкачалардан иборат бўлиб, улар бириктирувчи бурчаклар орқали маҳкамланган, уларга юзаларида қия рифляли керамик роликлардан иборат. Роликларнинг ўқлари бирлаштирувчи бурчакга шарнирли ўрнатилган. Бу конструкцияда ипни айланувчи керамик роликни рифляли юзаси билан туташишида ипни силжишига қаршилик камайтириш, роликни айланишида рифляли ўйиқчаси ҳолати ўзгарганда тортиладиган ипни самарали буралиши таъминланади (1 ва 2–расмлар). Бу эса ипнинг мустаҳкамлик характеристикасини ошишига олиб келади.



1 ва 2-трубкалар секцияси, 3-ип, 4-бурчак, 5-керамик мослама, 6-керамик ролик, 7-роликнинг ўқи, 8-қияли рифли юза

1-расм. Йигирув камерасида шаклланган ипни тортиш трубкани



1 ва 2-трубкалар секцияси, 3-ип, 4-бурчак, 5-керамик мослама, 6-керамик ролик, 7- роликнинг ўқи, 8-резинали втулка, 9-ташқи керамик втулка, 10-кия рифлялар, 11-эгилган юза

2-расм. Йиғирув камерасида шаклланган ипни тортиш учун қайишқоқ элементли трубка

Йиғирув қурилмасида ипни тортувчи трубкасининг тавсия қилинган конструкцияси олинган ипнинг мустахкамлик характеристикасини ошириб, бурамларни бир текисда тақсимлаб бериши таъкидланган. Ушбу конструкцияларни назарий жиҳатдан ўрганилган. Керамик роликнинг ҳаракат қонуниятини аниқлаш учун ҳаракат тенгламаси олинган.

Айлана ёйи кўринишдаги воронка сирти бўйлаб ипни контур ҳаракат масаласи кўриб чиқилган. Бунда ёй кўзгалмас ўқ атрофида $v_e(t)$ тезлик билан ҳаракатланади, ипни ҳар бир нуқтаси эса ёйга нисбатан v_r тезликга эга. Тадқиқотда ипнинг контур ҳаракати Эйлер усули ёрдамида ўрганилди.

Ипнинг таранглиги T ва нормал куч N v_r ва v_e тезликлар аниқ бўлиши билан (1) ва (2) формулалар орқали топилади. Улар қўшимча физик шартлардан аниқланади.

$$T = [T_0 - \mu v_r^2 + \frac{\mu R(\dot{v}_r + \dot{v}_e)}{k}]e^{k(\varphi - \alpha)} - \frac{\mu R(\dot{v}_r + \dot{v}_e)}{k} + \mu v_r^2 \quad (1)$$

$$N = [T_0 - \mu v_r^2 + \frac{\mu R(\dot{v}_r + \dot{v}_e)}{k}]e^{k(\varphi - \alpha)} - \frac{\mu R(\dot{v}_r + \dot{v}_e)}{k} \quad (2)$$

Ипни доимий нисбий тезлик билан ҳаракатланиш режимини кўриб чиқамиз, яъни $v_r = v_0 = const$ деб оламиз. (1) ва (2) формулаларда $v_r = v_0$ ва $v_r = 0$ деб қабул қилиш керак. Бунда контур (ролик) айланиш тенгламасига жавоб бериши керак:

$$\frac{J}{R} \dot{v}_e = kR \int_0^\alpha N d\varphi = R[T_0 - \mu v_0^2 + \frac{\mu R \dot{v}_e}{k}](1 - e^{-k\alpha}) - \mu R^2 \dot{v}_e \alpha$$


бу ерда $J = MR^2$ – роликни инерция моменти.

Охириги тенгламани қуйидаги кўринишга келади:

$$\dot{v}_e = \frac{T_0 - \mu v_0^2}{M_1} \quad (3)$$


Шундай қилиб, ипнинг таранглик $T_0 - \mu v_0^2$ таъсирида ролик $a = \frac{T_0 - \mu v_0^2}{M_1}$

тезланишда текис тезланувчан ҳаракатни бажаради. Бундай ҳаракат $t=t_0$ вақт моментигача давом этади, бунда ролик тезлиги нисбий тезликга тенг бўлади, яъни $v_e=v_0$. Бу шартдан топамиз $t_0 = a / M_1$.



3-расм. Таранглик T_0 (сН) ва ролик массаси M (г) нинг турли қийматларида роликнинг чизиқий тезлиги v_e (м/мин)ни вақт t (мин)га боғлиқлик графиги
 1 – $M = 3g$, 2 – $M = 4g$, 3 – $M = 6g$, 4 – $M = 8g$


3-расмда роликни айланиш тезлигини таранглик - T_0 нинг турли қийматлари ва ролик массаси M учун вақтга боғлиқлиги ифодаланган.



4-расм. Таранглик T (Н) ни φ (рад) бурчагига боғлиқлик графиги ($T_0 = 0.1$ (сН) учун α бурчаги ва ролик масса M (г) ни турли қийматларида)
 1 – $M = 3g$, 2 – $M = 4g$, 3 – $M = 6g$, 4 – $M = 10g$, 5- қўзғалмас ролик

Ҳисобларда $k=0,3$. $R=0,005m$. $v_0=100m/мин$ қабул қилинган. 4 ва 5 - расмларда ипнинг таранглиги T (сН) нинг турли қийматлари, қамраб олиш бурчаклари α ва ролик массаси учун контакт ёйи бўйлаб ипни таранглигини тақсимланишининг графиклари келтирилган.

3-расмда келтирилган графиклардан кўринадики, роликни чизиқий тезлиги қисқа вақт ичида ($t_0 \approx 10^{-6}-10^{-5}$ мин) ип тезлигига тенглашади.




5-Расм. Таранглик $T(H)$ ни ϕ бурчакка боғлиқлиги (контакт ёйи бурчаги α ва ролик массаси $M(z)$ ни турли қийматларида) графиги
 1 – $M = 3z$, 2 – $M = 4z$, 3 – $M = 6z$, 4 – $M = 10z$, 5- қўзғалмас ролик

4 ва 5-расмларда келтирилган контакт ёйи бўйлаб тарангликни тақсимланиш эгри чизиқларини таҳлили кўрсатадики, роликни мавжудлиги унинг массасига боғлиқ ҳолда контакт ёйи бўйлаб таранглик миқдорини сезиларли даражада камайтиради.

Пневмомеханик йигириш машинасининг сепаратори воронкаси сиртида ип ҳаракатини назарий тадқиқоти ўтказилди.

Тадқиқот ишида толали компонент стационар ҳаракатини кўриб чиқилган ва толалар оқими тегиб турган воронкани юзасини акс этган ва унинг тенгламасини қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин.

$$\vec{r} = (R_2 - R_1 \cdot \cos \psi)(\vec{i} \cos \phi_1 + \vec{j} \sin \phi_1) + R_1(1 - \sin \psi)\vec{k} \quad (4)$$



6-расм. Толали компонентни ип ажратувчи воронкада ва ип тортувчи трубкада жойлашуви

1 – толали компонент; 2 – ип ажратувчи воронка; 3 – бурам сақлагич; 4 – бурам сақлагичнинг тиши; 5 – таъминловчи трубка; 6 – ип

Ип ажратувчи воронка сирти бўйича умумий ҳолда толали компонентни стационар ҳаракатини тасфировчи қуйидаги дифференциал тенгламани оламиз:

$$\frac{dT}{d\psi} = \frac{\mu TR_1 \left(\frac{R_2}{R_1} \cos^2 \alpha - \cos \psi \right)}{R g_0 \cos \alpha} \cdot (u + \omega R \sin \alpha); \quad (5)$$

$$\frac{d\alpha}{d\psi} = -\frac{R_1}{R} \operatorname{tg} \alpha \sin \psi - \frac{\mu TR_1 \left(\frac{R_2}{R_1} \cos^2 \alpha - \cos \psi \right)}{TR \mathcal{G}_0} \cdot (\omega_1 R); \quad (6)$$

$$\frac{dM}{d\psi} = -\frac{\delta \mu TR_1 \left(\frac{R_2}{R_1} \cos^2 \alpha - \cos \psi \right)}{R \mathcal{G}_0 \cos \alpha} \omega_1 R \cos \alpha + \frac{\delta_1 TR_1 \left(\frac{R_2}{R_1} \cos^2 \alpha - \cos \psi \right)}{R \cos \alpha}; \quad (7)$$

$$\frac{d\varphi}{d\psi} = \frac{R_1}{R} \operatorname{tg} \alpha. \quad (8)$$


Ушбу тизимдаги тенгламаларни ечиш учун $\psi = 0$ и $\psi = \psi_1$ нуқталарида чегараланган шартларни қўллаш керак, бу ерда ψ_1 - воронка юзасидан толали компонентнинг тушуш нуқтасидаги ψ бурчакни қиймати. $\psi = \psi_1$ нуқталарида толали компонент ўқига тегинувчи $\varphi = \text{const}$ доирага тегиб турувчига параллел деб ҳисобласак бўлади.

Демак, чегаралувчи шартни оламиз:

$$\alpha \Big|_{\psi=\psi_1} = 0 \quad (9)$$



Дифференциал тенгламалар (5-9) тизимини аналитик ечими элементар функциялар орқали ифодаланмайди, шунинг учун масалани умумий ҳолда компьютер ёрдамида ечиш лозим.

Марле дастури ёрдамида (5-9) дифференциал тенгламаларни ечими ишлаб чиқилди. Тенгламалар чизиқий зичлиги 29 текс бўлган толали копонент учун қуйидаги маълумотлар билан ишланган: камера айланишлар тезлиги -75000 мин^{-1} , ипнинг чиқариш тезлиги -94 м/мин , доира радиуси $R_1 - 5 \text{ мм}$, R_2 радиуси $R_2 = R_1 + R_0$ формула ёрдамида ҳисобланган, бу ерда $R_0 - 1,5 \text{ мм}$. Ишқаланиш коэффициентлари $-0,3$. ψ бурчаги 0 дан $1,2$ рад қабул қилинган.





7-расм. Ип таранглик кучи $T(H)$ нинг ишқаланиш коэффициенти μ ни иккита қийматида воронка сиртидаги бурчак координатаси ψ (радиан) га нисбатан ўзгариши



7-9 расмларда ип таранглиги $T(H)$ (7-расм), бурчак α (радиан) (8-расм), воронка сирти бурчак координатаси φ (радиан) (10-расм) ва ташқи кучлар моменти $M(H.м)$ (9-расм) ларнинг воронка бурчак координатаси ψ (радиан) га нисбатан графиклари келтирилган.



8-расм . α (радиан) бурчакнинг ишқаланиш коэффициентини μ нинг иккита қийматида воронка сиртидаги бурчак координатаси ψ (радиан) га нисбатан ўзгариши



9- расм Ташқи кучлари momenti M (Н.м) нинг ишқаланиш коэффициентини μ нинг иккита қийматида воронка сиртидаги бурчак координатаси ψ (радиан) га нисбатан ўзгариши



10- расм . φ (радиан) бурчакнинг ишқаланиш коэффициентини μ нинг иккита қийматида воронка сиртидаги бурчак координатаси ψ (радиан) га нисбатан ўзгариши

Графиклар таҳлилидан ψ бурчакнинг 0.51 радиан бўлганда ташқи кучлар momenti M ва таранглик кучи T максимал қийматларни қабул қилали. Бунда ишқаланиш коэффициентини μ камайганда таранглик кучи қисман камайиши, момент эса ўзгармаслиги кузатилади. α бурчак ψ ўзгарувчини 0.51 радиан қийматга тенг бўлади, $\psi = 0$ да эса унинг қиймати нолга тенг. Бундан ташқари танланган параметрлар қийматида φ бурчак нолга яқин қийматлар қабул қилиши ва шундай қилиб бу бурчак камера айланишида ўзгармаслиги мумкин. Демак танланган схемада бурамлар ҳосил бўлишида ташқи кучлар momenti ўзгармас бўлса тарангликнинг

ошиши ва максимум қийматга эришиши мумкин, ҳамда α бурчак максимал қийматидан ногла тенг бўлади.

Диссертациянинг «**Пневмомеханик йиғириш машинасининг зичлагичлари ва бурам сақлагич мосламаси ишининг тадқиқоти**» деб номланган учинчи бобида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти «Йиғириш технологияси» ўқув лабораториясида пневмомеханик машина йиғириш камерасига ўрнатилган зичлагич турлари ва бурам интенсификаторини ип сифатига таъсирини баҳолаш бўйича олиб борилган тажрибалар ҳамда тажриба натижасида олинган ипларнинг ҳосса кўрсаткичлари аниқланган.

Регрессия тенгламасини аниқлаш учун жавоблар бўйича хар бир функцияга иккита сатхли ($k = 2$) уч омилли тажрибанинг матрицаси тузилди. \bar{y}_{ii} , ва \bar{z}_{iii} орқали m параллел тажрибаларда олинган, хар бири n тажрибада аниқланган ипнинг нисбий пишиқлиги ва ипнинг бурамлар сони бўйича вариация коэффиценти учун тегишли жавоблар қийматлари белгиланди.

Олинган регрессия тенгламалари, ипнинг нисбий пишиқлиги учун:


$$y = 11,81 + 0,0187x_1 + 0,61x_2 - 0,056x_3 \quad (14)$$

бурам бўйича вариация коэффиценти учун:

$$y = 3,135 - 0,26x_1 - 0,134x_2 - 0,0012x_3 \quad (15)$$

Кўрилган регрессион боғланишлар орқали хар бир омил қийматини бурам нотекислигига таъсирини оптималлаш вазифасига камера тезлиги 152000 мин^{-1} , дискрет барабаннинг тезлиги 9260 мин^{-1} , бурамлар сони $775 \text{ бурам/метр га}$ тенг бўлган вариант жавоб берди.

Диссертациянинг «**Пневмомеханик йиғириш машинасида янги такомиллаштирилган бурам сақлагичнинг ишлаб чиқариш шароитидаги тадқиқоти**» деб номланган тўртинчи бобида Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги «FT TEXTILE GROUP» МЧЖ корхонасида ишлаб чиқариш шароитида олиб борилган тажрибавий тадқиқотлар натижалари келтирилган (13-расм):




13-расм. Ипнинг нисбий узулиш кучини зичлагич ва бурам интенсификаторнинг (янги типдаги) турига боғлиқ равишда ўзгариш гистограммаси

Ипнинг нисбий узулиш кучи фойдаланиладиган зичлагичларнинг турларига ҳамда янги такомиллаштирилган бурам сақлагич мосламаларига боғлиқ ўзгаришлари гистограммада (13-Расм) акс этган. Ушбу графикда энг юқори нисбий узулиш кучи K4-4 зичлагич билан янги такомиллаштирилган силлик юзали айланувчи бурам сақлагич ишлатилганда $12,27 \text{ сН/текс}$ натижа

олинди, энг кичик натижа эса KSS зичлагич билан янги такомиллаштирилган ўйиқ юзали бурам сақлагич ишлатилганда 11,39 сН/текс натижа олинди.

K4-4, SK4-A зичлагичлар билан янги такомиллаштирилган силлиқ юзали айланувчи бурам сақлагич ишлатилганда ипда бурамлар сони бўйича нотекислиги яхшиланди. Шунингдек, олинган гистограммадан кўриниб турибдики 1 вариантдаги K4-4 зичлагич ва янги такомиллаштирилган силлиқ юзали айланувчи бурам сақлагич (16-расм) билан биргаликда фойдаланилганида яхши натижа беради.



16-расм. Янги конструкциядаги силлиқ юзали айланувчи бурам сақлагичлар

Янги такомиллаштирилган бурам сақлагич (14-расм)ни қўллаб олинган иқтисодий самарадорлик аниқланди. Унга кўра, тажриба вариантда корхона вариантдагига нисбатан маҳсулот рентабеллиги юқори бўлиб, ип ишлаб чиқариш ҳажми ошганлиги натижасида корхонанинг йиллик умумий иқтисодий самарадорлиги 1020,56 млн.сўм, бир тонна ипга эса 135641 сўмни ташкил этди.

Хулосалар

1. Пневмомеханик ип йигириш технологияси ва конструктив элементларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотларни таҳлил қилиш натижасида, ип тортилиб, буралганда унда пайдо бўлувчи таранглик катталиги, чўзилишдаги зўриқиш, маҳсулотнинг кўндалангига зўриқиши, пишитиш бурчаги орасидаги боғлиқлик бўйича изланишлар олиб борилмаганлиги аниқланди.
2. Пневмомеханик ип йигириш машинасининг ассортимент ва технологик имкониятларини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқотларда, ипнинг бурамини назорат қилувчи бурам сақлагич мосламаси конструкцияси ипнинг хосса кўрсаткичларига сезиларли таъсир кўрсатиши аниқланди.
3. Пневмомеханик йигирув машинасининг ип бурами интенсификатори конструкциясини ишқаланишга қаршилиқни камайтириш ва рифля ҳамда силлиқ юзани қўзғалувчан қилиш йўли билан такомиллаштириш орқали ипдаги бурамларнинг узунлик бўйича текис тақсимланишига эришилди.
4. Пневмомеханик йигириш машинасида ишлаб чиқариладиган ип бурами интенсификатори янги конструкциясида ипнинг ҳаракат қонунияти ва унга биноан интенсификатор ишчи юзаси профили аниқланди.
5. Йигириш воронкалари ва бурам сақлагич Torque Stop конструкциялари ип шаклланиш жараёнида йигириш барқарорлигига, ип сифатига турлича таъсир

қилиши, хусусан ўйилган (қирқилган) ва бурам сақловчи элементли TS воронкалардан фойдаланиш ипнинг тукдорлиги ва синфини ошириши ва ташқи кўринишидаги нуқсонларни камайтириши, йигириш барқарорлигини таъминлаши ҳисобига ип узилишини 25-30% га камайтириши аниқланди.

6. Янги интенсификаторни тадбиқ этишда машина параметрларини оптималлаштириш мақсадида ўтказилган тўлиқ омилли тажрибалар натижаларига биноан камера тезлиги 152000 мин^{-1} , дискрет барабаннинг тезлиги 9260 мин^{-1} , бурамлар сони 775 бур/метр га тенг бўлганда ип нотекислиги энг паст, узилиш кучи энг юқори бўлиши аниқланди.

7. Тажрибалар натижасида янги конструкциядаги силлиқ роликли бурам сақлагич ва К4-4 русумдаги зичлагич ўрнатилган ҳолда чизикли зичлиги 20 текс бўлган ип ишлаб чиқарилганда ип узилишлар сони мавжуд ҳолатга нисбатан 32% камайиши, нисбий узилиш кучи 8%га ошиши, ипнинг нотекислиги 9% камайиши, ип бўйлаб бурамларнинг тақсимланиш нотекислиги 25 % камайиши асосланди.

8. Янги интенсификаторни ишлаб чиқаришга жорий этилганда маҳсулот рентабеллиги юқори бўлиб, ип ишлаб чиқариш ҳажми ва ип сифатининг ошиши натижасида корхона йиллик умумий иқтисодий самарадорлиги 1020,56 млн сўмни, бир тонна ипга эса 135641 сўмни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ҚОРАБАЕВ ШЕРЗОД АҲМАДЖАНОВИЧ

**РАСПРЕДЕЛЕНИЕ КРУТКИ ВДОЛЬ ПРЯЖИ И ЕГО ВЛИЯНИЕ НА
ПРОИЗВОДСТВО КОНКУРЕНТОСПОСОБНОЙ ПРОДУКЦИИ**

05.06.02 – Технология текстильных материалов и первичная обработка сырья

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.2.PhD/Т784.

Диссертация выполнена в Наманганском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.nammti.uz) и на Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Матисмаилов Сайпила Лолашбаевич
кандидат технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Жуманиязов Кадам Жуманиязович
доктор технических наук, профессор

Юлдашев Жамшид Қамбаралиевич
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация:

Ферганский политехнический институт

Защита диссертации состоится «15» февраля 2020 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, Административное здание Наманганского инженерно-технологического института, 1-этаж, малый зал совещаний, тел: (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75, e-mail: niei_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрирована под № 358).

Адрес 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, тел. (69) 225-10-07.

Автореферат диссертации разослан «31» января 2020 года.

(реестр протокола рассылки № 10 от «31» января 2020 года).

Р.М. Мурадов

Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

О.Саримсаков

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

К.Холиков

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В ответ на призыв 4 африканских стран, которые выращивают хлопок Генеральной Ассамблеей Организации Объединенных Наций, день 7 октября был объявлен Всемирным днем хлопка. В связи с этим на форуме, состоявшемся в Женеве в этот день текущего года, хлопок был признан "Глобальным товаром, имеющим большое значение для человечества"¹. В связи с ростом конкуренции на мировых текстильных рынках, развитием технологий производства в хлопководческих странах, дальнейшее улучшение потребительских свойств продукции при снижении издержек производства и оптовых цен приобретает еще большую актуальность. Соответственно, в целях повышения качества продукции, производимой из хлопка на мировом рынке, снижения себестоимости, создание автоматизированных, ресурсосберегающих технологий, снижающих себестоимость производства хлопчатобумажных изделий на всех этапах их производства, а также и в процессах прядения, стало одной из важных задач.

В мировой практике переработка текстильного сырья, очистка волокна, чесание, подготовка ленты и выработка из неё пряжи, усовершенствование выработки ткательных и трикотажных изделий, определение и внедрение стандартных параметров положительно влияющих на технологический процесс, создание новых ресурсов и энергосберегающих технологий прядений уделяется особое внимание. Согласно этому в текстильной отрасли целевые исследования направленные на изменения качества и выработки конкурентно способной пряжи считаются одним из важнейших направлений.

За последние годы в нашей республике принимаются меры по развитию текстильной, швейно-трикотажной, легкой промышленности, расширению ассортимента и видов выпускаемой готовой продукции, а также по обеспечению комплексной поддержки инвестиционной и экспортной деятельности сетевых предприятий. В отрасли осуществляются мероприятия по организации хлопково-текстильных кластеров, созданию и развитию производства текстиля, которые включают в себя этапы производства хлопковых волокон, пряжи, ткацко-трикотажных изделий и готовых швейных изделий, выпуск высококачественной готовой продукции в широком ассортименте.

Известно, что показатели качества и количества конечного продукта формируются на каждом этапе производства. Соответственно, для производства текстильных изделий с высокой потребительской ценностью необходимо будет выявить факторы, которые влияют на качественные показатели изделия на всех стадиях производства, в том числе в процессах очистки, расчесывания, формирования ровницы, прядения, кручения, и необходимо будет принять меры, чтобы оказать на них положительное влияние. В связи с этим тема данной научно-исследовательской работы,

¹International cotton advisory committee. Washington, From the Secretariat of the ICAC. <https://icac.org/>, email secretariat@icac.org. October 7, 2019.

которая направлена на снижение неравномерности крутки по всей длине пряжи при производстве высококачественной пряжи, повышение ее долговечности и внешнего вида, является актуальной для выявления современных решений и внедрения их в производство.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, намеченных в постановление Президента Республики Узбекистан от 16 сентября 2019 года № ПП-4453 «О мерах стимулирования по развитию легкой промышленности и производства готовой продукции», постановление Президента Республики Узбекистан от 28 ноября 2017 года № ПП-3408 «О мерах по кардинальному совершенствованию системы управления хлопковой отрасли», Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года ПФ-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 гг.», Указа Президента Республики Узбекистан от 14 декабря 2017 года № УП-5285 «О мерах по кардинальному развитию текстильной и трикотажной индустрии», Указа Кабинета Министров от 8 января 2014 года № 5 «О дополнительных мерах по сокращению затрат на производство продукции и понижение себестоимости», а также в других нормативно-правовых документах, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям науки и технологии республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлениям науки и технологий Республики Узбекистан: II. «Энергетика, энергия и экономия ресурсов, транспорт, машины и приборостроение».

Степень изученности проблемы. Видные зарубежные ученые, как Bin Gang Xu, Xiao Ming Tao, Varilla A., Vigo J., Kirscher E., Kubica H., Киселев, Р.В., Асташев М.М., Нагаева Л.Л., Замаховский Л.К., Башкова Г.В. и другие занимались исследованиями по повышению эффективности пневматических прядильных машин в прядильных предприятиях, оптимизацией технологических показателей, созданием новых и совершенствованием существующих конструкций.

В нашей стране узбекскими учеными как Мардонов Б.М., Джураев А.Д., Гофуров Ж.К., Гофуров К.Г., Матисмаилов С.Л., Юлдашев Ж.К. и др. были решены ряд проблем по совершенствованию технологического процесса производства хлопковой и других видов пряжи в пневмомеханических прядильных машинах, по выработке нормативных параметров, по улучшению структуры, эксплуатационных свойств и по улучшению внешнего вида, которые продолжаются и по настоящее время.

Несмотря на то, что были изучены и проведены исследования по улучшению качества пряжа в пневмомеханических прядильных машинах, остается не исследованным вопрос о прядильном интенсификаторе крутке как одного из основного сооружения, обеспечивающего и распределяющего крутки нитей в камере сборки. Одной из проблем, решаемых в данной диссертации, является уменьшение шероховатости при закручивании пряжа

при помощи приобразования приспособлений и производства продукции, соответствующую мировым стандартам.

Соответствие исследования плану научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках темы ИОТ-2016-2-26 «Разработка и внедрение ресурсосберегающей конструкции зоны дискретизации пневмопрядильной машины» (2016-2018) в плане научных исследований Ташкентского института текстильной и легкой промышленности и внесена в состав плана научно-исследовательских работ Наманганского инженерно-технологического института.

Цель исследования заключается в повышении конкурентоспособности продукции на основе обеспечения равномерного распределения крутки пряжи в пневмомеханических прядильных машинах.

Задачи исследования:

